



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Нуриддин Хўжанов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети таянч
докторанти

ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒД ВА УСТРУШОНА АЛОҚАЛАРИНИНГ
МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ МАСАЛАСИ

Аннотация: Мазкур мақолада ilk ўрта асрлар Суғд ва Уструшона алоқаларининг моддий маданиятда акс этиши масаласи археологик топилмалар орқали очиб берилган. Шунингдек, Суғд ва Уструшона маданиятидан яхшигина хабардор бўлганли археологик материаллар асосида кўрсатилган. Суғд ва Уструшона моддий маданиятидаги яқинлик археологик ёдгорликларни солиштириш натижасида эътироф этилган.

Калит сўзлар: Суғд ва Уструшона, Қалаи Қахқаха I, Қўштепа, Оқтепа, Кўрғонтепа, Панжикент, Варахша, Бунжикат

Монийларнинг Суғдга келиб жойлашишлари натижасида минтака қурилишида тасвирий санъатнинг ривожланганлиги маълум. Б.Ғойибовнинг келтиришича, Суғд ва Уструшона маданиятидан яхшигина хабардор бўлган монийлар Афросиёб, Панжикент, Варахша, Бунжикат каби деворий суратларни чизишган¹. Тарихий Уструшона шаҳарлари маданияти, жумладан, тасвирий санъат намуналарининг Суғд тасвирий санъат намуналари таъсирида ривожланганлиги ва бу ҳолатнинг узок

¹ Фойибов Б. Суғд конфедерациясида Пачнинг ўрни (илк ўрта асрлар). – Тошкент: Наврӯз, 2012. – Б. 109-126.

тариҳий алоқаларга таянилиши соҳа мутахассисларининг ишларида ҳам қайд этилади².

Қалаи Қахқаҳа I күхандизи ва жанубий шаҳар деворлари бўйлаб турад-жой ва жамоат маҳаллалари, ишлаб чиқариш бинолари, шунингдек, шаҳар майдонидаги, шаҳар ибодатхонасидаги тадқиқотлар ҳам Суғд ва Уструшона алоқалари тўғрисидаги юқоридаги фикримизни исботлашга хизмат қиласди. Масалан, замонавий Шахристоннинг шарқида “сукунат ҳудуди” ҳисобланган Чаҳортепадаги қабрлар ҳамда мусулмон қабристони ва масжиди ўрганилиши натижасида Уструшонадаги дафн маросимларининг ўзига хосликлар билан бир қаторда Суғд ва араб дафн маросимларининг таъсирини кўришимиз мумкин³.

Суғд ва Уструшона моддий маданиятидаги яқинлик бир қатор археологик олимлар томонидан эътироф этилган. Уструшонанинг қадими башкарув марказларидан бири бўлган Зоминдаги ёдгорликларда Л.М.Сверчков бошчилигида олиб борилган қазишмалар натижасида бу ерда исломдан олдинги даврларда бир неча аҳоли маскани мавжуд бўлгани ва улар воҳанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутгани кўрсатиб берилиб, суғдий маданиятнинг шаҳарсозлик жиҳатларига ургу қаратилган⁴. Шунингдек, кейинги йилларда уструшонашунос олимлардан М.Пардаев ҳам ўз тадқиқотларида Суғд ва Уструшона алоқалари меъморчиликда акс этганлиги билан боғлиқ қарашларини баён этган эди⁵. Бу ҳолат Суғд ва Уструшонанинг нафақат илк ўрта асрлар балки антик даврларда ҳам алоқалар олиб борганларни тўғрисидаги хуносаларни кучайтиради.

Мустақиллик йилларида қадими Суғд ва Уструшонанинг ўтмиш тариҳи моддий маданият асосида ўрганиб, оммалаштиришда, иккала минтака алоқаларини очиб беришда Ю.Ф.Буряков, А.А.Грицина, М.Исҳоқов, М.Х.Пардаев, Ж.И.Фофуров, А.Бердимуродов, З.Холбоев, Т.Омонжулов, С.С. Қурдатов, Б.Б.Тўйчибоев, Т.У.Салимов, А.Отахўжаев, Ф.Бобоёров, Ф.Тошибоев, Б.Ғойибовларнинг у ёки бу даражада ҳиссаси бор. Улар орасида айниқса, Ю.Ф.Буряков, А.А.Грицина, М.Пардаевларнинг археологик изланишлари анча кенг ва чуқурлиги билан ажralиб туради.

Қадим ва илк ўрта асрлар Уструшона тарихининг билимдони, археолог А.А.Грицинанинг ўнлаб тадқиқотлари воҳадаги давлатчилик тарихига эътибор қаратар экан, суғдий давлатчилик масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. Воҳа тарихини археологик қазишмаларда қўлга киритилган моддий буюмлар, нумизматик материаллар ва ёзма манбалар асосида ўрганиб келаётган тадқиқотчи исломдан олдинги даврда Уструшона хукмдорлари, Афшинлар сулоласининг келиб чиқиши масалалари бўйича ўз қарашларини билдирган⁶. У раҳбарлик қилган археологик гуруҳ

² Костров П.И. Техника живописи и консервация росписей древнего Пянджикента / Живопись древнего Пянджикента. – Москва: Искусство, 1954. – С. 159-198; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – Москва: Искусство, 1973. – 65 с.

³ Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII-VIII вв. в искусстве Пенджикента // История и культура народов Средней Азии. – Москва: Наука 1976. – С. 75-89.

⁴ Сверчков Л.М. Замок Мық и его округа // Древний Заамин. – Ташкент, 1994. – С. 22.

⁵ Пардаев М.Х. Уструшона ва Суғдиёнанинг антик ҳамда илк ўрта асрлардаги моддий-маданий алоқалари / Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 108.

⁶ Грицина А.А. Уструшанские были. – Ташкент, 2000. – С. 5-6; Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С. Археология, история и архитектура средневековой Уструшаны. – Самарканд: МИЦАИ, 2013. – С. 18, 24-25,

Зоминда Азлартепа, Кўштепа, Оқтепа, Кўрғонтепа, Хитойтепа ва Жартепада қазишилар олиб борди. 1995 йилгача улар томонидан Пишағорсой ҳавзасида ўрта асрларга оид 31 та зич жойлашган ёдгорликлар аниқланди. Уструшонанинг пойтахти Бунжикат ва йирик қалъя Зоминда турли даврларда пул зарб қилингани ва маҳсус қурилган зарбхоналар бўлиши ҳудуднинг сиёсий-иктисодий салоҳиятини кўрсатади⁷.

Археолог М.Пардаев Эфталийлар ва Турк хоқонлиги бошқарувига тўхталиш асносида минтақаларнинг алоқаларига ўз эътиборини қаратишга ҳаракат қиласиди⁸. Тадқиқотчи Суғд ва Уструшонадаги Турк хоқонлиги даври бошқаруви билан бир қатор жиҳатларга, хусусан, ҳар иккала ҳудуддаги туркий сулолаларнинг ўрни масаласига эътибор қаратган. Айниқса, олимнинг сўнгги тадқиқотларида Суғд ва Уструшонанинг Буюк ипак йўли доирасида алоқалари, ушбу алоқаларнинг тарихий илдизлари антик даврларга оидлигига доир⁹ ва иккала минтақа қишлоқ маконларининг ўхшашиблигига эътибор қаратган¹⁰. Шунга ўхшашиб турк-суғд симбиози масаласини тадқиқ қиласиди А.Отахўжаев Суғд ва Уструшонадаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жиҳатларни ёритар экан, бу масалада Суғд ва Уструшонада кечган жараёнларга тўхталиб ўтган. Тадқиқотчи Уструшонани ўтроқ ва кўчманчи минтақалар ўртасида “контакт макон” дея эътироф этади¹¹. Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилиги тарихини ўрганган F.Бобоёров Суғд ва Уструшона ҳам бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби билан неча усуллар орқали бошқарилганига урғу берган¹². Суғдшунос Б.Фойибов тадқиқотларида ҳам иккала ҳудуд алоқалари тўғрисида сўз юритилиб, Суғд ҳукмдори Ғуракнинг Уструшона билан қариндошлиги ва Панҷ ҳукмдорларининг Устурошона афшинлари билан алоқадорликларига доир илгари сурилганлиги кўзга ташланади¹³.

Илк ўрта асрлар Суғд ва Уструшона мафкуравий ҳаётига кириб келган қадимги туркларга алоқадор яна бир жиҳат шуки, хоқонликнинг давлат мафкурасида кенг ўрин олган бўри тотеми билан боғлиқ тасвирлар ушбу тарихий вилоятлардаги қадимиш шаҳар харобалардаги топилмаларда учрайди. Дарвоқе, Турк хоқонлигининг мафкураси билан боғлиқ сюжетлар Суғд ва унга қўшни ҳудудларда учраши ҳам минтақада туркий элатларнинг кенг тарқалиши билан алоқалидир. Самарқанд Суғдининг муҳим сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлмиш Кофир-қалъя ёдгорлигига бир неча сопол муҳрлар топилган бўлиб, улар орасида бола эмизаётган

⁷ Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда. – Тошкент: 2010, – Б. 51.

⁸ Бердимурадов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып. 22. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 67; Фофуров Ж.И., Пардаев М.Х. Уструшонанинг Турк хоқонлиги билан ижтимоий-иктисодий муносабатларига доир // “Қадимиш Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иктиносий, маданий ҳаёт)” мавзуудаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, «VNESHINVESTPROM» нашри, 2019. – Б. 56-60.

⁹ Пардаев М., Фофуров Ж. Марказий Осиё – Буюк ипак йўли тизимида (қадим ва ўрта асрлар). – Тошкент: LESSON PRESS, 2021. – Б. 8-15, 20-67.

¹⁰ Пардаев М., Фофуров Ж. Уструшонанинг ilk ўрта асрлар қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент: ILMIY – TEXNIKA AXBOROTI – PRESS нашриёти, 2016. – Б. 39-71, 266-281.

¹¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б. 8-9.

¹² Бобоёров F. Илк ўрта асрлар тангларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 1840; Ўша муаллиф. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – Б. 41-43.

¹³ Фойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2015. – Б. 169; Фойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, СамДУ, 2020. – Б. 58-59.

бўри тасвири алоҳида кўзга ташланадиган жиҳатларга эга¹⁴. Кофир-қалъа топилмаси айнан ушбу ривоят билан боғлиқ бўлиб, шунга ўхшаш сюжетларлар Уструшона Афшинлари саройи деворий расмларида, Тошкентдан топилган олтин медальон ва Панжикент ибодатхонасида аниқланган олтин брактиатда учраши диққатга сазовордир¹⁵.

А.Бердимуродов ва Г.Богомоловлар Кофир-қалъа буллаларини ўрганиш жараёнида бўри билан боғлиқ афсонанинг эпизоди Қала-и Қахқаха (Бунжикат) Афшинлар саройи деворий расмларида ўз аксини топганига эътибор беришган. Тадқиқотчиларга кўра, айнан Суғд ва Уструшона бошқарувчиларига тегишли бино қолдиқларида болаларни эмизаётган она бўри тасвири давлатни бошқарган амалдорлар тоифаси билан алоқадордир.

Суғд ва Уструшона моддий ва маънавий хаётидаги умумийликларни ўрганишда нумизматик материаллар ва тасвирий санъат асарлари намуналарининг ҳам ўрни катта. Самарқанд вилоятидаги Кофир-қалъа ёғоч лавҳасидаги марказий перzonаж – Нана илоҳаси тасвири илк ўрта асрлар танга-пул зарби ва суғдий коропластикада ҳам ўз аксини топган. Бош қисмини ярим ой қўршаган ҳолатдаги Нана тасвири лой ҳайкалчаларда ҳам ифодаланган. Тарихий Суғд ва Уструшона оралиғида жойлашган Мингтепа ёдгорлиги (Булунғур – Ғаллаорол туманлари оралиғи) ва унга яқин ҳудудлардан топилаётган суғдий-туркий тангаларнинг олд томонида қўшалоқ тасвир – хукмдор ва малика тасвирлари ўрин олган бўлиб, танганинг орқа томонида суғдий ёзувда “Нана-хотун” сўзлари учрайди. Суғдшунос олима О.И.Смирнова томонидан *MR'Y ... x'ttwn* “Подшо ... хотун” деб ўқилган¹⁶ ушбу турдаги тангалар тангашунос Ф.Бобоёров ва А.Кубатинлар томонидан *MR'Y rpsu nn-x'ttwnh* “Панч хукмдори (ва) Нана-хотун” шаклида ўқиб чиқилди¹⁷. Шунингдек, Панч хукмдори Чакин Чўр Билгадан кейин зарб қилинган Панч тангаларида *rpsu nnδvprnwh* “Панч қироличаси Нана” жумлалари учраб, суғдшунослар бу ҳолатни “танга Билганинг қизи номидан зарб қилинган, Деваштич хукмдорлар хонадонидан бўлмагани учун ўз аёли номини акс эттирган”, деб хисоблайдилар¹⁸. Бундан кўринадики, Нана образи суғдийлар эътиқоди ва маънавий хаётида юксак ўрин тутган ва у билан боғлиқ тушунчалар тасвирий санъатда ёйилган. Шу билан бирга, ушбу илоҳа билан боғлиқ тасаввурлар давлат бошқаруvida ҳам муҳим ўрин эгаллаб, бошқарувда иштирок этган маликалар унга қиёсланган. Бу ҳолат ушбу мафкуравий қарашларнинг Суғд ва Уструшонага тенг алоқадорлигига ишора беради.

Суғд ва Уструшона тасвирий санъатидаги умумийлик А.Бердимуродов ва Г.Богомоловлар тадқиқотларида ҳам ўрин олган бўлиб, ҳар иккала тадқиқотчи Афросиёб сарой деворий расмларида айрим сюжетларни таҳлил қилас экан, уларни Шахристон деворий суратлари билан таққослаганлар. Ушбу тадқиқотчиларга кўра, Афросиёб деворий расмларида персонажлар этник мансублиги масаласида гарчи

¹⁴ Бердимурадов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда. ... – С. 66.

¹⁵ Бердимурадов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда ... С. 66-67.

¹⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – С. 275-281; О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет . Бронза. – Москва: Наука, 1981. – С. 423-428.

¹⁷ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – С. 79-87.

¹⁸ Бобоёров Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар ... – Б. 34-36; Фойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни. ... – Б. 101-102.

тадқиқотчилар орасида турлича талқинлар мавжуд бўлишига қарамай, ушбу тасвиirlарга оид дастлабки тадқиқотлардаёқ маҳаллий сұғдий ва туркий этник унсурлик устуворлик қилиши ҳақидаги қарашлар илгари сурилган эди¹⁹.

Хуллас, Сұғд ва Уструшона алоқалари тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларни баҳолар экканмиз Сұғд ва Уструшона тарихий-географик вилоятлари бўйича олиб борилган изланишларнинг кўлами кенг, бироқ уларда асосий дикқат-эътибор улардан муайян биттасига қаратилгани учун ҳар иккала ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқалари кенг ёритилганмаганлиги аён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 36-38.
2. Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – С. 79-87.
3. Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – Москва: Искусство, 1973. – 65 с.
4. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII-VIII вв. в искусстве Пенджикента // История и культура народов Средней Азии. – Москва: Наука 1976. – С. 75-89.
5. Бердимурадов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Выпуск 8 / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2021. – С. 66-67.
6. Бердимурадов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып. 22.– Ташкент: Фан, 1988. – С. 67;
7. Бобоёрнов Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 1840; Ўша муаллиф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – Б. 41-43.
8. Фойибов Б. Сұғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2015. – Б. 169;
9. Фойибов Б. Сұғд конфедерациясида Пачнинг ўрни (илк ўрта асрлар). – Тошкент: Наврўз, 2012. – Б. 109-126.
10. Фойибов Б. Сұғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, СамДУ, 2020. – Б. 58-59.
11. Фофуров Ж.И., Пардаев М.Х. Уструшонанинг Турк хоқонлиги билан ижтимоий-иктисодий муносабатларига доир // “Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” мавzuидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, «VNESHIN-VESTPROM» нашри, 2019. – Б. 56-60.

¹⁹ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 36-38.

12. Грицина А.А., Содиқов М. Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда. – Тошкент: 2010, – Б. 51.
13. Грицина А.А. Усрушанские были. – Ташкент, 2000. – С. 5-6;
14. Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С. Археология, история и архитектура средневековой Уструшаны. – Самарканд: МИЦАИ, 2013. – С. 18.
15. Костров П.И. Техника живописи и консервация росписей древнего Пянджикента / Живопись древнего Пянджикента. – Москва: Искусство, 1954. – С. 159-198;
16. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сугд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б. 8-9.
17. Пардаев М., Фофуров Ж. Марказий Осиё – Буюк ипак йўли тизимида (қадим ва ўрта асрлар). – Тошкент: LESSON PRESS, 2021. – Б. 8-15, 20-67.
18. Пардаев М., Фофуров Ж. Уструшонанинг ilk ўрта асрлар қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент: ILMIY – TEKNIKA AXBOROTI – PRESS нашриёти, 2016. – Б. 39-71, 266-281.
19. Пардаев М.Х. Уструшона ва Суғдиёнанинг антик ҳамда ilk ўрта асрлардаги моддий-маданий алоқалари / Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида туттган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 108.
20. Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа // Древний Заамин. – Ташкент, 1994. – С. 22.
21. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – С. 275-281; О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет . Бронза. – Москва: Наука, 1981. – С. 423-428.